

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглари ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожига ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

Нурали Қобулнинг миллий ва жаҳон адабиётида воқеа сифатида эътироф этилаётган, юз эллик йиллик темурийлар салтанати ва Буюк Темур, Турон юртининг Х – XV асрлар тарихига бағишланган романларидан иборат “Темурийлар” эпопеяси ўн етти китобининг электрон варианты инглиз ва ўзбек тилларида ўқишга тайёрланди. “Темурийлар” эпопеясининг биринчи китоби “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романи жаҳон “Амазон” интернет тармоғи орқали инглиз тилида ўқувчиларга ҳавола этилди.

Асарлари рус, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, турк, инглиз, украин, испан,

болгар ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган. Собиқ иттифоқнинг М.Горький, Б.Полевой, мукофотлари лауреати; Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти лауреати; Халқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги.

Кўринадики, Нурали Қобул ижоди юксак чўққига кўтарилган, гуллаган фасли. Албатта, бир мақолада ҳаммасига тўхталиш, фикр юритиш имкониятдан ташқари иш. Уларнинг ҳар бири бир олам. Биз бугун фақат ижодига умумий бир назар солдик, холос. Муҳими, адибнинг самарали меҳнати натижасида яратилган асарлари китобхонлар қалбидан жой олди. Ижод аҳли учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Адабиётлар:

1. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. –Т.: Фан, 1993.
2. Нурали Қобул. Ватандин яхши ёр ўлмас. // Саодат, 1991 йил, 3 - сон.
3. Нурали Қобул. Оқ каптарлар. –Т.: Ўзбекистон, 1990.
4. Нурали Қобул. Унутилган соҳиллар. – Т.: Ёш гвардия, 1988.
5. Мирзаев И. Адабиёт ва давр дарди. –Т.: Фан, 1990.
6. Нурали Қобул. Ватанни англамоқ йўлида... // Хабар, 1993 йил, 46 - сон.
7. Нурали Қобул. Муаллиф ўз асари ҳақида (“Унутилган соҳиллар”) // Ёшлик, 1988 - йил, 8 - сон.
8. Мирзаев И. Насримиз бадий олами. Бекмирзаев Н. Жасоратнинг бадий талқини. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1991.
9. Нурали Қобул. Ватан ва миллат қадрига етган ҳаққа етади... // Жиззах ҳақиқати, 1994 йил, 31 - сон.
10. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У., Йўлдошев Қ. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11- синфи учун адабиёт дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
11. Файзий Р. Дўстлар меҳри. – Т.: Ёш гвардия, 1983.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).

УДК: 41+411+81-112=161.1

ТИЛ ИЛМИНИНГ ЕТУК ДАРҒАСИ

ЗРЕЛЫЙ УЧЕНЫЙ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ НАУКИ

MATURE SCHOLAR OF LINGUISTICS

Ш.Искандарова¹, Ш.Ганиева²¹Ш.Искандарова

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори.

²Ш.Ганиева

– ФарДУ, бошланғич таълим услуги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада бугунги ўзбек тилшунослигининг забардаст вакили, профессор Н.М.Маҳмудовнинг илмий-педагогик фаолияти, “Тил тилсими тадқиқи” номли асари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассмотрена научно-педагогическая деятельность и произведение “Исследование волшебства языка” одного из видных представителей современного узбекского языкознания, профессора Н.М.Махмудова.

Annotation

The article deals with the scientific-pedagogical activities of the professor N.M.Mahmudov, one of the leading representatives of the modern Uzbek linguistics, and his work “Research on magic of language”.

Таянч сўз ва иборалар: назарий тилшунослик, публицистика, таржимонлик, тил тилсими, алифбо, имло, тил тараққиёти, тил тарихи, сўз ўзлаштириш, мезъёр.

Ключевые слова и выражения: теоретическое языкознание, публицистика, переводческое дело, волшебство языка, азбука, правописание, развитие языка, история языка, усвоение слова, норма.

Keywords and expressions: theoretical linguistics, journalism, translation studies, magic of language, hombook, spelling, language development, language history, word borrowing, norm.

Бугунги ўзбек тилшунослигининг йирик намояндаларидан бири, назарий тилшунослик, публицистика, адабий танқид, таржимонлик, тележурналистика сингари қатор соҳаларда кенг фаолият олиб бораётган заҳматкаш олим, ўзбек фани ва маданиятининг равнақиға ҳормай-толмай ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсон, юзлаб ўзбек тилшуносларининг меҳрибон устози, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Мамадалиевич Маҳмудов қутлуғ 70 ёшни қаршиламоқда.

Жонкуяр олим ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни ва тараққиёти йўлида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муносиб хизмат қилмоқда. Забардаст тилшуноснинг “Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия” (1984), “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (1992), “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” (1995), “Ўзбек тилшунослиги тарихи” (2000), “Ўқитувчи нутқи маданияти” (2009), “Тил тилсими тадқиқи” (2017) сингари қатор монографиялари ўзбек тилшунослигининг муҳим назарий

муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги билан ўта қимматлидир [1;2;3;4;5].

Низомиддин Мамадалиевич Маҳмудов ўзбек тили ва тилшунослигининг равнақи йўлида фидокорона хизмат қилаётган, тилшуносликнинг деярли барча йўналишларида изчил тадқиқотлар олиб бораётган, тил фанининг ҳар соҳасида ўз сўзига, қарашларига эга бўлган фидойи, шижоатли олим сифатида жуда катта обрў-эътибор қозонган. Унинг ўзбек тили синтаксиси, хусусан, содда гапларда шакл ва мазмун асимметрияси, предикативлик ва ярим предикативлик, синтактик деривация масалалари, қўшма гаплар таснифи ва талқинидаги оригинал фикрлари ўзбек тили синтаксисининг ривожидан муносиб замин яратди, янги-янги йўналишлар учун йўл очиб берди.

Айни пайтда, олим нутқ маданияти, лингвопоэтика соҳасининг долзарб муаммоларига бағишланган ўнлаб асарлари, она тилини ўқитиш, иш юритишга доир бир қатор дарсликлари билан тил ва таълим соҳасининг равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Профессор Н.Маҳмудовнинг илмий фаолиятида нутқ маданияти, тил ва миллат, миллий маданият муаммолари алоҳида ўрин тутди. Бундан ўн йил илгари ўзбек тилшунослигининг забардаст вакиллари билан бўлган устозимиз А.Нурмонов профессор Н.Маҳмудовнинг илмий-ижодий фаолияти хусусидаги “Ўзгал нутқ – бемисл неъмат” номли мақоласида куйидаги фикрларни таъкидлаган эди:

“Нутқ маданияти муаммоси бўйича ўтган асрнинг 60-йилларидан буён бир қанча дарслик ва қўлланмалар, монография ва рисолалар ёзилди. Лекин уларнинг деярли кўпчилигида рус тилидаги “Основы культуры речи”, “Культура речи” сингари китоблардан қолип олинган, ана шу китобларда берилган тушунчалар ўзбекча мисоллар билан изоҳланган эди.

Миллий маданиятимиз равнақи йўлида фавқуллод аҳамиятга эга бўлган, шахснинг баркамоллигини таъминловчи бу муҳим ҳодиса филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудовнинг ҳам кўпдан бери диққатини жалб қилиб келади. “Сўз эстетикаси”, “Ўзимиз ва сўзимиз”, “Маърифат манзиллари” сингари қатор асарлари билан олим сўз сеҳри, сўзнинг магик қуввати, шахс тарбиясида нутқнинг роли каби муаммоларни таъсирчан тил орқали оммага етказишда катта хизмат қилди. Бунинг натижасида, ўзбек тилшунослигида янги йўналиш – лингвопублицистика йўналиши майдонга келди. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши лингвистика фани қўлга киритган ютуқларни оммалаштиришда, ёшларга нутқ одобини сингдиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. У бундай оммабоп рисола ва мақолалар ёзиш жараёнида ўзбек нутқининг бойлиги, таъсирчанлиги, ифода имкониятларининг кенглигини ёритиш бўйича катта тажриба тўплади” [6,3].

Профессор Н.Маҳмудовнинг “Тил тилсими тадқиқи” номли асарига мурожаат қиладиган бўлсак, унда тил ва жамият, тилимизнинг тарихи ва бугуни, алифбо, имло муаммолари, ўзбек тилининг луғат бойлиги ва унинг равнақи, сўз ўзлаштириш, миллий-ахлоқий мезон ва меъёрлар, уларнинг моҳияти ниҳоятда чуқур, теран англашнинг, ўта сиңчковлик билан таҳлил этилганлигининг гувоҳи бўлишимиз тайин.

Бетақдор она тилимизнинг жонкуяр соҳиби, тил илмининг етук дарғаси бўлган олим “Тилшунослик ер юзидаги қанчалик кекса илм бўлмасин, ҳали ҳамон излаганини топиб бўлганича йўқ. Одам бор экан, унинг такомилу

тараққиёти мунтазам экан, тил илми ҳам интиҳо билмайди, тил тилсими ҳузуридаги ҳайрат эса, айниқса, тилшуносни ғайрат ва ҳаракатга чорлаб тураверади”[6,3], – деб таъкидлагани ҳолда, тилимиз ва тилшунослигимизнинг равнақи, такомилли йўлида, фанимизнинг ўта долзарб, мураккаб муаммоларини ҳал этишда сабот билан, таъбир жоиз бўлса, матонат билан хизмат қилиб келмоқда.

Фидойи олим тилимизнинг нуфузи, бугунги кундаги оқилона тил сиёсати билан алоқадор масалаларни кенг таҳлил этар экан, истиқлол йилларида юз берган сезиларли ўзгаришлар, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги ўрни, унинг жамиятдаги мақоми янада юксалтиришга астойдил бел боғлайди. Шунингдек, ўзга миллат вакиллари, уларнинг тилларини камситмаслик борасида ҳам қатор амалий тақлифларни ўртага ташлайди:

“Юртимизнинг турли миллатга мансуб фуқаролари ўз она тилларини мукаммал билсинлар, ўзбек тилини эса байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, Конституциямиз каби Ўзбекистоннинг муқаддас тимсолларидан бирига тугал эҳтиром, шу юртга садоқатли фарзандликнинг самимий ифодаси сифатида билсинлар ва ўргансинлар”[6,11].

Кўринадики, одил тилшунос она тилимизнинг истиқболи ҳақида қайғурар экан, унинг қадру қимматини муқаддас тимсоллардан бўлган байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз даражасида кўришни умид қилади.

Кўпни кўрган закий олим дунё тилларининг узоқ ўтмишига назар ташлар экан, “тилнинг тараққиёти барча даврларда сиёсий тузумнинг миллий тилга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ бўлган. Борди-ю, тилга давлатнинг муносабати ижобий бўлса, тилнинг ривожини тезлашган, у бойиб борган, борди-ю, давлат тилга нописанд муносабатда бўлса, тил ривожини секинлашган ёки деярли тўхтаган, мулоқот ва ҳиссиёт қуроли сифатидаги вазифаси барҳам топган, ҳатто ўлик тилга айланган”[6,26]лигини қайд этади. Китобда муаллиф ўзбек тилининг тарихи, унинг бошига тушган синовлар, бу йўлдаги халқ иродаси, ақлу заковати хусусида батафсил фикр юритади, миллатлар ва тилларнинг эркинлиги, узоқ ва яқин ўтмишдаги ўзбек тилига муносабат, олиб борилган миллий сиёсатнинг аянчли оқибатларини келтириб ўтади. Мазкур асарда тилнинг муттасил равишда ўсиш, ўзгариш жараёнини бошидан кечиргани, унинг замонлардан замонларга мустаҳкам кўприк

ТИЛШУНОСЛИК

сифатида ўтиб бораётгани ҳам ўринли далиллар орқали ёритилади.

Профессор Н.Махмудов ўтган асрнинг охирларида ёзган “Маърифат манзиллари” номли рисоласида нутқ тарбияси хусусида фикр юритар экан, тилнинг “дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш” сингари ўнлаб вазифалари орасида асосий эътибор кишилар ўртасидаги алоқа вазифаси эканлигига қаратилганлигини куюниб қайд этган эди [4,44].

Жонкуяр олим “Тил тилсими тадқиқи” монографиясида тил тадқиқида мукамалликка эришиш борасида сўз юритганда, мазкур фикрларни янада ривожлантириб боради. Унинг қайд этишича, “антропоцентризмнинг тилшуносликда алоҳида парадигма сифатида шаклланиши ва бу йўналишдаги тадқиқотларнинг дунё тилшунослигида кўпайиб бораётганлиги бениҳоя қувонарли ҳолдир. Айтиш керакки, антропоцентризм фақат тил тадқиқигагина тилшунослар томонидан нисбатланган тушунча ёки парадигма эмас, антропоцентризм бевосита тилнинг моҳиятига дахлдор ҳодисадир” [6,55].

Дарҳақиқат, нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшуносликнинг белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект билан, белгининг субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди. Тилшуносликдаги худди шу чекланган томонни тўлдириш ҳаракати туфайли прагматингвистика, неолингвистика, антрополингвистика номи билан юритилаётган тилшуносликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида тилшуносликда тилга белгилар системаси сифатида қараш ғоясининг кучайиши яққол сезила бошлади. Маълумки, бундай талқиннинг негизида белгининг объектив борлиқ билан муносабати, белгининг белги билан муносабати, белгининг ундан фойдаланувчилар билан муносабати ётса-да, бу даврда белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги алоқадорлик етарлича ўрганилмаган эди. Ҳозирги кунда қатор тилшуносларнинг диққат-эътибори белги билан сўзловчи шахс ўртасидаги муносабатга

қаратилган прагматик лингвистика билан чамбарчас боғланган антрополингвистика соҳасини ўрганишга қаратилди [7;8;9;10]. Антрополингвистика ўз ичида когнитив семантика, психоллингвистика, лингвокультурология сингари қатор соҳаларни қамрайди.

Нутқий жараёнда сўзловчи шахсга эътиборнинг тортилиши тилшунослик тарихида катта воқеа бўлди. Чунки структур тилшуносликнинг белгининг белги билан муносабатини ўрганишга асосий эътиборни қаратганлиги натижасида белгининг объект билан, белгининг субъект билан муносабати масаласи тилни соф “шакл” сифатида талқин қилувчи структуралистлар назаридан анча четда қолган эди.

Китобдан сўз ўзлаштириш жараёни, миллий тилнинг ўзига хослиги масалалари ҳам алоҳида ўрин олган. Олим сўз ўзлаштиришда меъёр ва миллийлик тўғрисида баҳс юритар экан, дунёда тилларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳар қайси тилнинг товуш қурилиши, лексикаси, морфологияси ва синтаксиси сингари барча соҳаларида ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини алоҳида кўрсатиб ўтар экан, бу таъсирларни юзага чиқарувчи муҳим омилларни таҳлил қилади.

Зукко тилшунос бу борада, жумладан, шундай фикрларни қайд этади: “Бугунги жадал глобаллашув жараёнларида, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини мисли қўрилмаган кўламларни қамраган бир даврда бир тилдан бошқасига сўз ўтмаслигини тасаввур этишнинг ўзи мушкул. Турли давлатлар бир-бири билан хилма-хил соҳаларда “олиш-бериш” муносабатида бўлар экан, бу давлатлардаги тиллар ҳам мазкур муносабатдан асло четда қолмайди, тиллар ҳам ўзаро “олиш-бериш” муомаласидан қочиб қутулолмайди. Бу бугунги дунёнинг инкор этиб бўлмайдиган лисоний-мантикий ҳақиқатларидан биридир” [6,153].

Олим сўз ўзлаштириш жараёнида меъёрга ниҳоятда одиллик билан ёндашади, унингча, маънавий-маданий соҳалар доирасида хорижий ўзлашмаларга эҳтиёткорлик билан қараш зарур, шу билан бирга, ҳар қандай ўзлашмаларни керак-нокерак алмаштиришга интилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Тажрибали олим ўз фикр-хулосаларини яқин тарихимиздаги муҳим омиллар асосида далиллади. Бу борада ўринли тавсияларни ўртага ташлайди:

“Хорижий терминларни тартибга солишда уларнинг маъносини ўзбек тилида